

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 162 (11.473)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Чирчиқ олий танк кўмондонлик муҳандислик билим юртида ташкил этилган учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари билан билим юртининг шахсий таркиби, курсантлари юртимиз Муस्ताқиллиги, мамлакатимиз тинчлигини сақлашдаги саъй-ҳаракатлар, бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етиш хусусида фикр алмашди-лар.

● Андижон туманида «Андметаллхамкор» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси иш бошлади. Бу ерда Украинадан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида сифатли шифер маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Янги қувватлар ишга туширилиши ҳисобига жорий йилнинг охирига қадар 600 минг дона шифер тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

● Пахтачи туманида туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш маркази ва прокуратура ҳамкорлигида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 56 та корхона ва ташкилот 276 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир давомида 200 дан ортиқ йигит-қизга ўзлари танлаган касблар бўйича ишга йўлланмалар берилди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Хоразм вилоят кенгаши томонидан мамлакатимиз Муस्ताқиллигининг 18 йиллигига бағишлаб Ҳазорасп автомобиль мактабида пневматик қуроллардан ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

● Жиззах вилояти Зомин туманида Боғишамол, Форишдаги Қор Абдол ҳамда Жиззах туманидаги Оқолтин қишлоқларида янги мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда ушбу қишлоқ ёшлари янги ўқув йилини замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган мактабларда бошлайдилар.

● Республика соғлиқни сақлаш ходимларининг Муस्ताқиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Қишлоқ таракқиети ва фаровонлиги йилга бағишланган 8-спартакиадаси Андижон вилоятининг Ширмонбулоқ қишлоғидаги «Шифокор» оромгоҳида бўлиб ўтди. Тадбирда 200 дан зиёд тиббиёт ходими қатнашди.

## ЖАҲОНДА

● Афғонистонда президентликка сайловолди кампанияси якунланди. Бир нечта сиёсатчилар амалдаги давлат раҳбари Ҳамид Карзай фойдасига ўз номзодларини қайтариш олдидлар.

● Россия БМТга ушбу ташкилот Бош ассамблеясининг 64-сессияси кун тартибига БМТ ва ОДКБ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги пунктни киритишни сўраб муросажат қилди.

● НАТО АҚШ, Греция ва Туркия ҳарбий кемалари иштирокида Африка қитъасида денгиз қарқчиликларига қарши курашиш юзасидан махсус операцияни бошляпти. Ушбу тадбирнинг қанча муддат давом этиши белгиланмаган.

● Америка ҳарбийлари Афғонистондаги сайлов участкаларини кўриқлашни бошлайдилар.

● Кеча Хахасияда жойлашган Россиядаги энг йирик сув иншоотларидан бири — Саян-Шушен ГЭСида йирик авария рўй бериши оқибатида 11 киши ҳаётдан кўз юмган, 70 га яқин ходим бедарак йўқолган. Авария натижасида ГЭС машина заллининг девори бузилиб, уни сув босган. Ҳозирда 25 та қидирув гуруҳи ҳалокат жойида қидирув ишларини олиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича ГЭСни тиклаш ишлари тўрт йилга яқин давом этади ва унга 1,5 миллиард доллар миқдоридан маблағ талаб этилади.

● Бугун Москва областида «Макс-2009» номли 9-халқаро авиакосмик салон ўз ишини бошлади.

● АҚШ тарихида энг йирик кредит карталари рақамларини ўғирлаш ҳолати юз берди.

● Москвадаги Черкизов бозорини бузиш ишлари бошланди.

● НАТОнинг Афғонистонда жойлашган қароргоҳида портлаш амалга оширилди. Маскув хунрезлик Кобул шаҳридаги АҚШ элчихонаси яқинида содир этилган бўлиб, унинг оқибатида етти киши ҳаётдан кўз юмган, 91 киши жабрланган. Ушбу қўпурувчилик ҳаракатини «Толибон» жангарилар гуруҳи ўз бўйига олган.

● Жаҳоннинг етакчи биржаларида кеча ўтказилган савдолар чоғида нефть нархининг бир оз пасайганлиги кузатилди. Жумладан, Лондон биржасида бир баррел нефтининг нархи 70,54 долларни ташкил этган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 66,75 доллардан иборат бўлди.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!  
Жорий йил 1 сентябрда нишонланажак Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни байрами муносабати билан Сизни, мамлакат ҳукмати ҳамда қардош ўзбек халқини ушбу қутлуғ сана билан мамнуният ва фахр ила муборакбод этишимга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон ва мамлакат халқига Сизнинг доно раҳбарлигинизда янада гуллаб-яшнаш ва тараққиётни тилаб қоламан.

Ўзбекистон Республикасининг гўзал пойтахти, тамаддун, илм-фан ва маданият маркази бўлиши Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи муносабати билан самимий табриқларимни изҳор этишдан бағоят мамнунман. Ислон Конференцияси ташкилоти бош котиби ва ўзбек халқининг чин дўсти сифатида бу борада Сиздаги фахр туйғусига шерикман.

Ислон Конференцияси ташкилоти бош котибияти Ўзбекистон ҳукмати билан Тошкентнинг ислон дунёси ва халқаро майдондаги бекаму кўст мақоми ва бойлигини оқсатириш борасидаги ривожланиш дастурларида ҳамкорлик қилишга интилиб келмоқда ва бунга мамнуният ила тайёрдир.

Жаноб Президент, Сизга бўлган чўқур ҳурмат ва эҳтиромим изҳори, шунингдек, Сизга сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилаб йўллаган истақларимни қабул этгайсиз. Ҳурмат билан,

Акмалиддин Эҳсон ўғли,  
Ислон Конференцияси ташкилоти бош котиби

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим,  
Жаноби Олийлари,  
Муҳтарам жаноб Президент!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги, шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан Сиз ва бутун ўзбек халқини чин қалбдан муборакбод этиб, ўз самимий табриқларимни изҳор этаман.

Ҳар икки воқеа мен учун қутлуғ саналади, бинобарин, Ўзбекистон иккинчи Ватаним, Тошкентни эса алоҳида аҳамиятга молик шаҳар деб биламан. Ушбу шаҳарда, Оллоҳ назар қилган ўзбек заминидан муқаддас динимиз қадриятларига ҳамоҳангликда ҳаётининг энг ажайиб дамларини ўтказганман.

Ўзбекистон — Марказий Осиё юраги, бутун Ислон дунёси хазинаси ва кўплаб мусулмон пешволарини воғая етказган макон саналади. Тошкент — замонавий ва айни пайтда шарқона менталитетнинг барча фазилатларини ўзида мужассам этган ҳамда яқинда мусулмон ҳамжамияти томонидан Ислон маданияти пойтахти деб эълон қилинган шаҳар, мусулмон олами фахри ва ютуғидир.

Ушбу қутлуғ саналар қалбимдан чиқаётган самимий тилақларимни Сиз Жаноби Олийларига яна бир бор етказиш имкониятини яратаётганидан мамнунман. Сиз чин маънода аниқ мақсад ва ўз ҳаёти маъносини Ватанга фидокорона хизмат қилишда ва халқни фаровонлик йўли сари бошлашга интилишда кўргувчи муносиб етакчи ва доно раҳбарсиз. Сизнинг раҳнамолигиниз остида Ўзбекистон эришган муваффақиятлари билан бизни беҳад қувонтираётган ва гуллаб-яшнаётган ўлкага айланди. Ўзбекистон мустақиллиги йиллари — бу шиддатли ривожланиш ва тараққиёт оқимида бориш билан бирга ўз бой маънавий меросини асраб-авайлаб келаётган мамлакатнинг буюк тикланиш давридир.

Сиз Жаноби Олийларига замонанинг буюк сиёсий арбоби ва туркий олам оқил етакчиси сифатида улкан ҳурмат ҳис этган ҳолда Оллоҳдан Сиз ва бутун Ўзбекистон халқига ўз марҳаматини кўрсатишини сўраб илтижо қиламан.

Қудратли Оллоҳнинг бизга бўлган марҳамати ҳеч қачон аримасин.

Самимий тилақлар билан,  
Шайх-ул-ислом Оллоҳшўқур Пошшазода,  
Кавказ мусулмонлари диний бошқармаси раиси



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ



## ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ!

Тинчлик ва фаровонлик ҳукм сураётган юртимизга тўйлар ярашади. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Муस्ताқиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда жонажон шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллик қутлуғ тўйи нишонланадиган шодиёна тантаналарни ҳаммамиз орақиби кутмоқдамиз. Ушбу қўшалок байрам ҳаммамиз учун қадрли ва қувончли албатта. Бу қутлуғ байрамлар арафасида пойтахтимиз яна ҳам обод бўлиб, чирой очмоқда.

Пойтахтимизнинг марказий, энг кўркам ва обод гўшаларидан бўлган Яккасарой туманида ҳам айни кунларда бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кенг тус олган. Шуни қайд этиш жоизки, Яккасарой тумани 1936 йилда ташкил топган бўлиб, Чилонзор, Миробод, Сергели ва Юнусобод туманлари билан чегарадош. Туманининг умумий майдони 1,46 минг гектарни ташкил этиб, 114,2 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Туман ҳудудида 18 та маҳалла, 74 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, 3 та олий ўқув юрти, 4 та академик лицей, 5 та касб-ҳунар коллежи, 16 та мактаб, 4 та шифохона ва бошқа ташкилот-муассасалар фаолият юритиб келмоқда. Кўшалок байрамларимиз арафасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, туман кўчаларига 440 минг дона гул кўчатлари, мингтадан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди, 14 та гулхона барпо этилди. Маҳаллаларнинг ички кўчаларига 2009 йил давомида ободонлаштириш бошқармаси томонидан 7700 квадрат метр асфальт қопламаси ётқизилди ва бу ишлар жадал давом этмоқда. Юбилей олдидан кўп қаватли уйларнинг фасадларини таъмирлаш учун туман «Маҳалла» жамғармаси

хисобидан 20 миллион, яқка тартибдаги хонадонларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг уйларининг фасадларини таъмирлаш учун 2 миллион сўм маблағ ажратилди. Бир сўз билан айтганда, тумандаги қайси бир маҳаллага, қайси бир кўчага кирманг, катта ўзгариш, янгиликлардан, ободонлаштириш ишларидан дилингиз яйрайди. Шу билан бирга тумандаги 18 та маҳалла фуқаролар йиғинларида байрам тадбирлари ўтказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, тантаналар давомида кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган, яқка-ёлғиз қаришлар, хаста кишилар ҳамда ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида жамғарма хисобидан 1 миллион 160 минг сўм маблағ ажратилган. Тумандаги ҳар бир ўқув юртида, маҳалла ва корхоналарда Муस्ताқилликдек улуғ неъмат ва шаҳримиз юбилейининг мазмун-моҳиятини аҳолига, аниқса ёшларга янада кенгроқ аниқлаш, уларнинг онгига етказиш мақсадида «Маҳалла-ангиз тарихини биласизми?», «Энг фаол тарғиботчи», «Тошкентнинг ой қизиман», «Энг намунали ёш оила» ва «Барҳаёт аъёналар» мавзуларида қатор кўрик-танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Туман иқтисодийотига назар ташлайдиган бўлсак, айни кунда 8 та йирик корхоналар фаолият юрит-

моқда. Жумладан, «Тошкент йўловчи вагонлари таъмирлаш заводи», «Тошкент иссиқлик маркази», «Мурувват-текс» корхоналари ва бошқалар шулар жумласидан. 2008 йилда 89 та қўшма корхона ташкил қилинган. Тумандаги корхоналарга 31,8 миллион АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри инвестициялар киритилган. Маҳсулот таннархини камайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, аниқса экспорт қилувчи корхоналарни давлат томонидан хар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш чораларининг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида, жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 100,6 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 113,7 фоизга, пудрат ишлари 115,9 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш 116,9, экспорт эса қарийб 175,6 фоизга ошди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2 миллиард 18 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунинг натижасида импорт ўрнини босиш самардорлиги 1,4 миллион долларни ташкил этиб, жами 10 та қўшимча янги иш ўринлари ташкил этилди. Яккасаройлик шижоатли, қалби қайноқ ёшлар дейсизми, ғайрат камарини белгила боғлаган бунёдкорлар дейсизми, ҳар бир ишда ибрат бўлаётган нуруний отахон ва онахонлар дейсизми, барча-барчанга қалбидан эзгу мақсади битта. У ҳам бўлса қутлуғ байрамларимизни ўзгача кўтаринки руҳ билан кутиб олиш, Истиқлол кўшидан баҳраманд бўлаётган она заминимизни авайлаб-асраш, гулу гулзорга, чаман бўстонга, жаннатмакон гўшага айлантиришдан иборат. (Яккасарой туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАҲРИМИЗДА** молия соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбир сугурта ташкилотларида юзага келадиган муаммоларни бартараф этишда ҳакамлик судларининг ролига бағишланди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номлидаги маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўғарақлар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида ўтказилган тадбир «Хунарли хор бўлмас» деб номланди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида рақс жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган «Тошкентим — гўзал диёрим» мавзусидаги рақслар кўрик-танлови азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

✓ **ЯҚИНЛАШИБ** келаётган Муस्ताқиллик айёми ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллиги арафасида Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида бунёд этилган сартарошхона ва ёшлар маскани ўз фаолиятини бошлади.

**САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ  
ЖАНОБИ  
ОЛИЙЛАРИГА**

Мухтарам жаноб Президент!  
Бутун дунёни ўзига мафтун этган ва инсоният тарихига мангу саҳифалар битган мамлакатнинг буюк пойтахти бўлмиш Тошкентнинг 2200 йиллик тантанали юбилеи муносабати билан Сиз ва Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этиш мен учун катта шарафдир.

Шу боис, бошқа бир тарихий пойтахт — Рим шаҳрининг кўп сонли аҳолиси номидан энг қувончи ва самимий табрикларимни изҳор этмоқчиман.

Байрам арафасида ушбу саховатли заминда қачонлардир меҳмон бўлган, Ўзбекистонни ўзига дўст билган барча италияликлар фикран сўнги 20 йил мобайнида мамлакатда эришилган ютуқларни намён этувчи бош меъморий обида — ўзбек халқининг фахри ва шижоати рамзи бўлган Мустақиллик майдони ҳамда Мустақиллик ва эзгулик монументи сари интиломда.

Тошкент — қадим замонлардан буён сарчашмасига Ер қуррасидаги барча халқлар мурожаат этган мангу ёшлик ва тарихий маданий мероснинг ягона мисолидир.

«Буюк Ипак йўли» узоқ вақт мобайнида Шарқ ва Ғарбни боғлаб келиб, ўзбек халқи ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Бугунги кунда у Марказий Осиёнинг қўна ва гўзал тароватини ўзида мужассам этган ҳамда бу бағрикенглик ва ҳамкорликка асосланган умумий келажак тўғрисида фикрлаш имконини беради. Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган бунинг тасдиғидир.

Тошкентга жуда олис ва айни пайтда жуда яқин бўлган Римдан туриб, оқил Раҳбар етакчилик қилаётган Ўзбекистоннинг буюк халқига ўз самимий табрикларимни изҳор этаман.

Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Эзгу тилаклар билан,

**Антонио Локке,  
Италиянинг Осиё ва Ўрта ер денгизи мамлакатларини тадқиқ этиш институти  
Бош котиви**

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ  
ЖАНОБИ  
ОЛИЙЛАРИГА**

Мухтарам жаноб Президент!

Сизни ва Ўзбекистон халқини қутлуг сана — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи муносабати билан муборакбод этиш менга беҳад мамнуният бахш этади. Сизга ва ўзбек халқига ўз самимий қутловларим ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида юритаётган сиёсатида доимо фаоллик ва изчилликни намён этапти. Тошкент эса давлатлар ва халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб қолмоқда.

Мен Тошкент шаҳри узоқ ва бой тарихи мобайнида талай синов ва қийинчиликларни бошдан ўтказгани, тарих силсиласида буюк воқеалар гувоҳи бўлгани, ҳамisha ўз сиёсий, иқтисодий, маънавий мавқеини сақлаб келганидан айниқса, ҳайратда эканимни билдирмоқчиман. Тошкент доимо «Тинчлик шаҳри», «Дўстлик шаҳри», «Нон шаҳри», «Шарқ дарвозаси» номлари билан танилиб келган. 2007 йилда ушбу фазилатлар сафи яна биттага кўпайди — «Ислом маданияти пойтахти». Бу Ўзбекистон Республикаси ва унинг пойтахтига жаҳон ҳамжамияти томонидан билдирилган эътироф ва эҳтиромнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Мазкур қувончи санага бағишланган байрам шодёниси дунё ҳамжамиятига ўзбек халқининг қўна ва бебаҳо мероси билан янада яқиндан танишиш имконини бериши ҳамда тамаддуноларо ҳамкорлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишига аминман.

Фурсатдан фойдаланиб Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса келгусида тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Луиджи Иперти,  
«Италия — Ўзбекистон» савдо палатаси президенти**



**Барчамиз деярли ҳар куни ишга ёки бирор-бир юмушга  
Ботланганда албатта манзилга тез ва қулай етиб олиш мақсадида метрополитен хизматидан фойдаланамиз. Бинобарин, Марказий Осиёда ягона, ер ости қасрлари даражасида кўркам, шинам ва қулай, электропоездлар ўз вақтида қатий ва узлуксиз қатнаётган Тошкент метрополитенининг ҳар бир ҳақшаҳримиз ва пойтахтимиз меҳмони ҳаётида тутган ўз ўрни бор десак асло муболаға бўлмайди.**


**Бизнинг «Тошкент метрополитени» Давлат унитар корхонаси бош муҳандиси Исмоил Баходиров билан суҳбатимиз ҳам ушбу истиқболли транспорт воситаси фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтларда қилинган ишлар ва Мустақилликнинг 18 йиллиги, пойтахти азимнинг қутлуг 2200 йиллик тўйига метрополитеннинг тайёрлаётган муносиб совгалари хусусида эканлиги метрополитеннинг халқаро микёсда ҳам баланд эканлигидан далолат беради. Айтингчи, бундай халқаро алоқалар Тошкент метрополитени учун қандай афзалликларга эга?**

— Тўғри таъкидлаб ўтдигиз, Истиклол шарофати билан бугунги кунда метрополитенимиз Халқаро оммавий транспорт (МСОТ) ташкилоти ва МДХ метрополитенлари уюшмасига аъзо бўлган. Маз-

тилди. Бу алоқалар самарасини айниқса Юнусобод йўналиши қурилишида замонавий мосламалар, техник қурилмалардан кўпроқ фойдаланилганида ҳам кўришимиз мумкин. Тортувчи ер ости ним станцияларида «Зонаншайн» аккумуляторлари, юқори кучлилиги ВБЧС — 10 русумли включателлар, бекат ва тоннеллардаги «TLT GMBH» немис фирмасида ишлаб чиқарилган хаво

ортик техникавий янгиликлар амалиётга таъбиқ этилган. К.Алиев, А.Гайниев, В.Мазов, В.Пустовалов, Р.Ахмеджанов каби илгор муҳандис-техник ходимлар шулар жумласидандир. Улар доимо излашда. Қулай меҳнат ва техник шароитларни яратишга ҳаракат қилишади. Бунда фақат ўтган 2008 йил натижаларига назар ташласак, ихтирочилик борасидаги самарали ишларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, ўтган йил давомида ишлаб чиқаришга 94 та рационализаторлик таклифлари жорий этилди. 7 та ихтиро бўйича 15.155,9 минг сўмлик иқтисодий самарага эришилди, ихтирочилар сони эса 106 кишини ташкил этди ва зиммамизга олган мажбуриятимиз ортиги билан адо қилинди. Ҳаётга таъбиқ этилган, катта маблағларни тежаш-

**ШАҲРИМ — ФАҲРИМ**



Шунингдек, бугунги кунда Тошкент метрополитенида йўловчилар, шаҳримиз меҳмонларига қулайликлар яратиш мақсадида кўп янгиликларга қўл урилмоқда. Масалан, кўп сонли йўловчиларнинг таклиф ва кўнгироклари инобатга олиниб, уларга қулайлик яратиш мақсадида Пахтакор, Чилонзор, А.Темур хиёбони, Ойбек, Тошкент, Бунёдкор, Бодомзор бекатларида пластик карточкалар воситасида жисмоний шахсларга жетонлар сотилиши учун терминаллар ўрнатилди ҳамда корпоратив пластик карточкалар воситасида юридик шахсларга жетонлар сотиши ташкил қилиш мақсадида Тошкент метрополитени бошқармасида терминал ўрнатилди. Келгусида бу ишлар босқичма-босқич давом эттирилади.

Булардан ташқари реклама фаолияти ҳам йўлга қўйилган. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси таркибидagi «Тоштран-среллама» МЧЖ билан биргаликда метрополитен ҳаракат таркиби вагонлари салонларида ва бекатларнинг архитектурасига зарар етказмайдиган ҳолда махсус ёриткичли, ёриткичсиз манбалар орқали йўловчиларга юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва ижтимоий турдаги рекламалар тақдим этилмоқда. Бекатларда ўрнатилган телемониторлар орқали ҳам реклама фаолияти йўлга қўйилган. Йўловчиларимиз бу воситалар орқали ўзларига керакли маълумотларни олишмоқда.

— Халқимизда «Тўйга тўёна билан», деган нақл бор. Мана, Мустақилликнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйлари тобора яқинлашиб келмоқда. Ушбу қутлуг саналарга Тошкент метрополитени жамоаси қандай тайёргарлик кўрмоқда?

— Ҳар иккала азиз ва қутлуг байрамларни муносиб қутиб олиш мақсадида биз ҳам ўзимиз тузган тadbир режамизга асосан иш олиб бормоқдамиз. Биринчи навбатда бекатларга тушиш-чиқиш зинапо-яларини, ўтиш йўлакларини оқлаш, бўйиш, ёритиш мосламаларининг носозларини алмаштириш ва таъмирлаш ишлари тугатилмоқда. Мустақиллик майдони, Ҳамза, Бунёдкор бекатларининг платформаси ва касса худудларини эстетик кўриниш бериб таъмирлаш, метрополитен йўналишлари бўйича ер сатҳидаги шамоллатиш иншоотларининг ташқи қисмини оқлаш, ён атрофларининг тозалигини сақлаш шундай ишлар сирасига киради. Байрамни муносиб қутиб олишда метрополитен қурилмалари ускуналарини самарали ишлатиш ҳамда поездлар ҳаракатининг 100 фоиз бажарилишини таъминлаш ҳам муҳим ўрин тутди.

Байрам арафасида юртдошларимиз, йўловчиларимиз ва меҳмонларимизга соғлиқ-саломатлик, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз осийишта бўлишини тилайман.

Йўловчиларимизга ҳамда пойтахтимиз меҳмонларига намунали хизмат кўрсатишдан доимо мамнунимиз.

— Мазмунли суҳбат учун ташаккур. Халқимиз узоғини яқин қилишдек савобли ишларингизда омад доимо ёр бўлсин.

**Сухбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ**

**ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ —  
МЎЪЖИЗАВИЙ ЕР ОСТИ ҚАСРИ**



кур уюшмалар 80 та давлатдан аъзо бўлган 2000 та ташкилотни ўзига бирлаштиради. Бу Тошкент метрополитени эндиликда яна шунча давлатдаги ташкилотни яқиндан билдилади, алоқа ўрнатиш, ахборот алмашиш, тажриба ўрганиш ва янги технологияларни жорий этиш имкониятига эга бўлади демакдир.

Ҳар иккала халқаро ташкилотлар билан алоқалар орқали биз метрополитенларнинг дунё микёсдаги қурилиши ва эксплуатация масалаларида янги техника ва замонавий ускуналар, мосламалар, қурилмалардан фойдаланиш, йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатишда кўп ахборот ва янгиликларга эга бўламиз. Ушбу маълумотларнинг энг фойдали ва унумли томонларини корхонамиз меҳнат фаолиятида қўллаб борамиз.

Таъкидлаш жоизки, жаҳондаги барча метрополитенлар ягона технологик тартиб асосида қурилган ва улардан шу тарзда фойдаланилади. Бу мутахассисларга самарали халқорлик қилиш, тажриба алмашиш, фаолиятнинг умумий стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш имкониятларини кенгайтиради. Бунга Тошкентда 2008 йил 14-18 октябрь кунлари «Метро» халқаро уюшмаси таркибига кирувчи метрополитенлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги йилги йўналишларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Кенгашда асосий эътибор метрополитенда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, факулдада ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирларини замонавийлаштириш, телемониторлар орқали йўловчилар ва поездлар ҳаракатини назорат қилишга қара-

алмаштирувчи мосламалар, ТАФ-16,7,2 вентиляторлари, поездлар ҳаракатини назорат қилувчи ва тартибга солувчи «Диалог» нозимлар дастури ва бошқа янги техника воситаларидан фойдаланилгани фикримизга мисолдир.

— Албатта, Тошкент метрополитенининг узлуксиз фаолияти кўрсатувчи улкан хўжаликка қийслаш мумкин. Фаолиятнинг узлуксизлиги эса янги техника ва технологик ишланмаларни жорий этишни тақозо қилади. Бинобарин, корхона фаолиятида маҳаллийлаштириш дастурининг ҳам ўзига яраша ўрни бўлса керак!

— Ҳозирги кунда Тошкент метрополитени 29 бекатни ўз ичига олувчи уч йўналиш ва икки депо ҳамда ҳаракат таркибини таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар чиқарувчи деподан иборат бўлиб, унинг тўхтовсиз ишлаши учун 2 мингдан зиёд эҳтиёт қисмлар керак бўлади. Бир пайтлар биргина метрополитен учун керак бўлган эҳтиёт қисмлар собиқ иттифоқнинг 250 дан ортиқ ҳаракат корхоналаридан келтирилди. Айни вақтда маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ эҳтиёт қисмларнинг республикамиз ҳудудидаги ёки шаҳримиздаги санат корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўяёмиз. Ушбу сайёҳаракатларнинг натижаси ўларок ҳозирда 800 дан зиёд эҳтиёт қисмлар ўзимизда ишлаб чиқарилиб, талаб-эҳтиёлларимизни қондиarmoқдамиз. Албатта, шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, соҳа ривожига муҳандис-техник ходимлар ва ишчи-хизматчиларнинг ташаббускорлик ва яратувчанлик ҳиссалари катта. Илгор ихтирочилар томонидан шу кунга қадар 6 минг 200 дан

га имкон яратган энг йирик ихтирочилик таклифлари сирасига «Мингўрик» бекати ер ости гаражи ёритилиши манбаи схемасини ўзгартириш, «Машинасослар» станцияси платформасида ёритиш манбаи схемасини ўзгартириш, АС-220 сигнал арматураси конструкциясини ўзгартириш, метрополитен ҳаракат таркиби вагонларини кўтариш домкратларини модернизация қилиш бўйича янгиликларни кирати.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллийлаштириш режасига кўра 2008 йил учун 24 номдаги 446 дона эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлса, биз 7044,84 минг сўмлик 25 номдаги 988 дона маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлдик.

Метрополитен худудларини ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида деярли барча станциялар замонавий қўриқлаш воситалари, махсус ускуналар билан таъминланган, видеокузатув тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бу жараёнда мунтазам давом этади. Чунки янги ихтиролар янги технологияларни амалда қўллашни тақозо этади.

— Метрополитенимизнинг келажagini қандай таъсир эттишимиз мумкин?

— Келажакда метрополитенининг Юнусобод йўналишининг қурилиши ва бошқа йўналишларнинг ривожланишига дахлдор масалалар биринчи навбатда ер ости қасрининг ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва улкан микёсдаги, йирик ҳажмдаги лойиҳаларни амалга оширишнинг бошқа жиҳатлари Тошкент шаҳрининг бош режаси тараққиёти билан боғлиқ муҳим омилларни назарда тутди.



Маданият масканларида

**МУМТОЗ НАВОЛАР ДАВРАСИ**

Пойтахтимизнинг сўлим ва кўркам масканларидан бўлган Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамisha ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари билан гавжум. Ушбу файзли масканда мунтазам ўтказиб келинаётган маданий-маърифий тадбирлар каттаю кичикнинг эътиборини тортиб, кўнгилларга ором бахш этади.

Куни кеча мазкур боғда Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустиқлигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Мумтоз наволар» давраси рукнида «Тошкентда Ражабийлар сулоласи» деб номланган академик Юнус Ражабий сулоласи ҳамда юртимизнинг етук санъаткорлари билан ижодий учрашув ва концерт ташкил этилди. Айтиш жоизки, «Мумтоз наволар» давраси Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ташаббуси билан уюштирилган бўлиб, 2005 йилдан буюн ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбир жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари ва бошқа жамоат ҳамда ҳомиё ташкилотларнинг ўзaro ҳамкорлик шартномалари асосида ташкил этилди.

Боғнинг марказий эстрада сахнасида бўлиб ўтган «Тошкентда Ражабийлар сулоласи» номи ижодий учрашув кечасида Ўзбекистон халқ ҳофизаи Ҳасан Ражабий сўзга чиқиб Ражабийлар сулоласи ҳақида сўзлаб, ота-

лари Юнус Ражабий ҳақидаги илиқ хотираларни ёдга олди. Шунингдек, кечада академик Юнус Ражабийнинг шоғирдларидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодирова ҳам сўзга чиқиб устози ҳақида фахр билан сўзлади ва мумтоз кўшиқларидан ижро этди. Бундан ташқари, кечада «Нихол» мукофоти совриндори Азиз Ражабий, Ражабийнинг абирали Юнус Ражабий, Феруз ва Музайна, «Орзу» болалар гуруҳи ижросидаги кувноқ ва дилтортар кўшиқлар йиғилганлар қалбига хушайфият бахш этди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов сахна асарларидан монолог ва кўшиқлар ижро этиб, мухлислари олқишига сазовор бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунос Баҳриддин Насриддинов Юнус Ражабийнинг бой ижодий мероси, ўлмас асарлари ҳақида ифтихор билан сўзлади. Шу куни узоқ вақт давом этган ижодий кечада Юнус Ражабий ижро этган мумтоз наволар боғ узра янграб турди.

— «Мумтоз наволар» даврасини ўтказишдан асосий мақсад, — дейди Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбари Баҳродир Султонов, — санъатсевар халқимизни иқтидорли санъаткорлар ижоди билан яқиндан таништириш, ёшларнинг ижодий фаолиятини юксалтириш, она Ватани, истиқлолни, халқ бахтини, чин инсоний муҳаббатни тараннум этиш, санъат шинавандаларини, айниқса мумтоз наволар, лирик ҳамда халқ кўшиқлари, миллий рақс ва ўзбек бастакорлари ижодини тарғиб қилиш, эл севган, юрт ардоғидаги санъаткорларнинг баракаларини, бой ижоди, юксак маҳорати намуналари ижроларидан мухлисларни баҳраманд этиш, боққа фуқароларни кўпроқ жалб этиб, уларнинг кўнгилли, маданий ҳордиқ олишларини таъминлашдан иборат.

**Дилорам ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «МУМТОЗ НАВОЛАР» ДАВРАСИДАН ЛАВҲАЛАР.**

Флора Фахрутдинова олган суратлар.



**ZiyoNET ахборот таълим тармоғи томонидан эълон қилинган «Сайёра» интернет-марафони давом этмоқда.**

**МАРАФОН ДАВОМ ЭТАДИ**

Замонавий фан-техника ривожланган бугунги кунда кундалик ҳаётимизда интернет муҳим ўрин эгаллайди. Ундан фойдаланиш қулайлиги билан бирга тезкор ҳамдир. Ушбу йўналишда янгиликлар яратиш, янада кенг имкониятлардан фойдаланиш, изланишлар олиб бориш бугунги кун талабидир.

— Марафоннинг мақсади ZiyoNET тармоғи сайтларида вертуал ҳамжамият яратиш, қизиқarli ва фойдали контент барпо этиш, тармоқнинг оммавийлашишида ёшларни фаоллигини оширишдан иборат, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги ZiyoNET бўлими биринчи тоифали мутахассиси Жасур Ўринбоев. — Танловнинг биринчи босқич голлиблари аниқланиб қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Жорий йилнинг сентябрь ойида эса танловнинг кейинги босқич голлиблари аниқланади.

Интернет-марафонда барча иштирок этиш ҳуқуқига эга. Танловда катнашиш учун иштирокчилардан куйидаги шартларни бажариш талаб қилинади:

— ZiyoNET портали сателлит сайтлари барча йўналишларини ривожлантириш мақсадида муаллифлик мақолалари (янгиликлар, фоторепортажлар, таҳлиллар ва видео лавҳалар) билан катнашиш.

— ZiyoNET портали «Кутубхона» бўлимида ўқув материалларини жойлаштириш.

— uGoshнинг фаол иштирокчиси бўлиш.

Марафон давом этмоқда. Материалларни бир неча тилда жойлаштириш, фойдаланувчиларнинг изоҳ ва овозларига кўпроқ эга бўлиш танловда муваффақият қозонишда муҳим аҳамият касб этади.

**Гулрух ЭРГАШЕВА, «Туркистон-пресс»**

**«02» ХАБАРЛАРИ**

● С.Раҳимов туманида соат 00.30да, ўз уйи олдида, ишламайдиган, муқаддам судланган, шу туманда яшовчи Рустам Узаро жанжал оқибатида, қайиниси, ишламайдиган, Зангиота туманида яшовчи Зокирни 2 мартаба ўткир тигли жисм билан уриб тан жароҳати етказган. Натижада Зокир «чап томон кўкрак қафаси ва оёғининг чап томони пастки қисми санчиб кесилган жароҳати, кома мастлик ҳолати» таъхиси билан касалхонага ётқизилган.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 104-моддаси билан жиноят иши қўзга-

тилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда. ● Юнусобод туманида соат 21.15 да номаълум шахс шифокор, Юнусобод туманида яшовчи Наргизанин бўйнидаги 1.000.000 сўмлик занжирини, 200.000 сўмлик кулони билан юлиб олиб, қочиб кетган. ЖК ва УЖКҚБ ходимлари томонидан ишламайдиган, Самарқанд вилоятида яшовчи Азиз исмли шахс далилий ашё билан ушланди.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 166-моддаси билан жиноят иши қўзга-

**Спорт янгиликлари**

**КУТИЛМАГАН НАТИЖА**

**Мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 17-тур баҳсларида кутилмаган натижа қайд этилди.**

Чемпионат медалларига даъвогарлик қилаётган шахримизнинг етакчи жамоаларидан бири «Пахтакор» сафарда «Олмалик» командасига 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди ва муҳим очколардан маҳрум бўлди. Мурасасиз кечган беллашувнинг сўнги дақиқаларида ҳам ҳисоб очилмаган эди. Аммо ҳакам томонидан қўшиб берилган қўшимча вақтда мезбонлар футболчиси Мамазулиев томонидан «Пахтакор» дарвозасига киритилган гол «Олмалик»нинг уч очко билан таъминланишига сабаб бўлди.

Аввалги турда ҳам галаба қозongan шахримизнинг бошқа жамоаси «Локомотив»га эса ушбу турда яна омад кулиб боқди. Бухорода «Бухоро» жамоаси меҳмони бўлган темирўлчилар шиддатли курашларга бой, мурасасиз ва ҳужумкор кечган баҳсда мезбонларни 3:2 ҳисобида мағлуб эта оlishди. Шу куни дарвозаларга тўллари «Бухоро»дан Солиев (2та), «Локомотив»дан Умрзоқов (2та), Аъзамовлар йўллади.

Амалдаги чемпион «Бунёдор»га ўз майдонида «Металлург»ни 4:1 ҳисобида энгиш қийинчилик туғдирмади. Тошкентликларнинг тўлиқ устунлиги остида кечган беллашув давомида мухлислар «Бунёдор»дан Жепаров, Ривалдо, Жоа Виктор, Солиев, «Металлург»дан Коллевиц томонидан киритилган чиройли голларнинг гувоҳи бўлишди.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди: «Андижон», — «Шўртан» — 2:1, «Қизилқум», — «Динамо» — 2:0, «Хоразм» — «Насаф» — 0:0, «Машъал» — «Навбахор» — 3:1, «Нефтчи» — «Сўғдиёна» — 7:0.

**«ЧЕЛСИ» МАҒЛУБ ЭТИЛДИ**

**Футбол мухлисларига сентябрь-октябрь ойларида Миср Араб Республикасида ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.**

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар жамоаси аъзолари айни кунларда Англияда ўқув-ийгин машғулотларида катнашишмоқда. Машғулотлар давомида Англиянинг бир неча клублари билан назорат-ўртоқлик учрашувлари ўтказиш режалаштирилган.

Куни кеча Аҳмад Убайдуллаев шоғирдлари «Челси» жамоаси ёшлари билан назорат ўртоқлик учрашувида куч синашди. Шуниси қувонарлики, шиддатли курашлар остида кечган беллашувнинг 54-дақиқасида пахтакорчи Санъат Шихов томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган ажойиб гол ўйин охиригача ягоналигича терма жамоамизга 1:0 ҳисобидаги галабани тақдим этди.

**ҚОСИМЖОНОВНИНГ АЖОЙИБ ГАЛАБАСИ**

**Арманистоннинг Жермук шаҳрида шахмат бўйича уюштирилган ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқич баҳслари қизгин паллага кирди.**

МДХ мамлакатларининг бир гуруҳ энг кучли гроссмейстерлари иштирок этаётган ушбу турнирда Ватанимиз шарафини собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳимоя қилмоқда.

Шу кунгача ўтказилган тўртта учрашувнинг барчасини дуранг натижа билан якунлаган Рустам бешинчи турда арманистонлик гроссмейстер, турнирда 3,5 очко жамғариб пешқадам бўлиб турган Левон Аронян билан куч синашди. Оқ донларда ўйнаган ҳамюртимиз ташаббусни ўз қўлига олиб, рақибини мағлубиятга уратди ва турнирда иккинчи ўринга кўтарилиб олди. (Ўз мухбиримиз)

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

Давлат Тижорат Халқ Банкi Собир Раҳимов филиали Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Талбалар шаҳарчаси 54-А уйда жойлашган банк биносини қуриш учун

**ТЕНДЕР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Лойиҳанин г умумий қиймати 70 000 000 (етмиш миллион) сўм. Тендер танлови 2009 йил 17 август соат 15.00 да Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, О.Бобоҷонов кўчаси, 10-уйда ўтказилади.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар 2009 йил 17 август соат 14.00 гача ўз смета ҳужжатларини танлов комиссиясига тақдим этишлари шарт.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов тумани, О.Бобоҷонов кўчаси, 10-уй. Халқ Банкi С.Раҳимов филиали. Тел: 8 371 248-34-59

Бош муҳаррир  
**Акмал АКРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.  
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва эжума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.**  
Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2862 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарк» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.  
12 45  
Тошпирилган вақти: 13.45